

## БАДИЙ ОЛИЙ ТИЗИМДА ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТЎРТ БОСҚИЧДА ОДАМ БОШИ ҚИСМИ ЧИЗМАТАСВИРЛАШ УСУЛИ

**Артиков Ғайрат Азизович**

Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти  
“Дастгоҳли рангтасвир” кафедраси доценти

### **АННОТАЦИЯ**

*Бадий Олий тизимда Тасвирий санъатда ўқитиш жараёнида “Тўрт босқичда одам боши қисми чизматасвири”ни ўргатиши энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Талаба амалий машғулотда, тирик одам моделига қараб вазифа бажариши жараёнида асосий тасвирий санъат чизматасвир қонун қоидаларига риоя қилиб, анатомия ва перспектива билимидан баҳраманд бўлиб, ёруғлик, соя ва ярим соя тушунчалари орқали шакл келтириб, одам бош қисмидаги деталларни умумий яхлитлигига мос қилиб ишлаб борилади. Яхлитликдан қисмларга ва қисмлардан яхлитликка деган қоидага этиборан ўз чизматасвир жараёнида амал қилиб тасвирлай олса, келажакда мукамал илмга эга бўла олади.*

**Калит сўзи:** Чизматасвир, композиция, анатомия, перспектива, нур ва соя, жонли модел, шаклни моделлаштириши.

### **АННОТАЦИЯ**

*В процессе преподавания изобразительного искусства в системе высшего художественного образования одним из важнейших требований является преподавание "Рисунка головы живой модели поэтапно в четырех стадиях". На практических занятиях, в процессе выполнения задания по живой модели, основная задача изобразительного искусства рисовать то, что следует правилам рисунка и дополняется знанием анатомии и перспективы, обретая форму благодаря понятиям света, тени и полутона, а также прорисовывая детали головы модели в соответствии с их правилом, от целостности к частному и от частного к целостности можно описать свой собственный рисунок следующим образом в процессе разработки, в будущем можно получить совершенные знания.*

**Ключевые слова:** рисунок, композиция, анатомия, перспектива, свет и тень, живая модель, моделирование формы.

### ANNOTATION

*In the process of teaching in fine arts in the artistic higher system, one of the most important requirements is the teaching of the "part of the head of a person in four stages draw". In practical training, in the process of performing a task according to the model of a living person, the main visual arts drafts that follow the rules of the law, are happy with the knowledge of anatomy and perspective, form through the concepts of light, shadow and semi-shadow, making the details of a person's head in accordance with their general integrity. From the rule that from integrity to part and from parts to integrity, one can describe one's own drawing as follows in the process of development, one can have perfect knowledge in the future.*

**Key words:** *Drawing, composition, anatomy, perspective, light and shadow, live model, shape modeling.*

#### **Тўрт босқичда чизматасвирлаш**

**1-босқич.** Одам бош қисмига хос хусусиятларни аниқлаб форматга композицион жойлаштирилиши.

**2-босқич.** Одам бош қисмига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёриқликлар сояларни катта яхлит шаклини топиб жойлаштириш.

**3-босқич.** Асосийсини аниқлаб ва иккинчи даражалигини унга тобий ҳолда шаклларга ишлов бериш.

**4-босқич.** Тугалланган чизматасвир.

Бошанғич курсларда асосий ўрганиш объекти тирик одамнинг бош қисми ҳисобланади. Чизматасвирни бажаришга киришишдан аввал, одам бош қисмини ҳар томонидан диққат билан қараб чиқиб, унда бўлган хос хусусиятларни ажралиб турган томонларини ўзингизга аниқлаб оласиз.

Одам бош қисмини ёриткич билан ёритганда, ёриқлик тепадан тушурилгани мақбул. Кўзлар жойлашган жойи ва бурун тагида соя бўлмоғи лозим, шунда одам бошини қисми ва шакли яхлит ҳолда янаям ўзига хос хусусиятларини аниқлаб беради. Мисол учун биз танлаган тарафдан одам бошини тўртдан уч томони кўриняпти. Ярим варағ хажмли фарматга ватман қоғоз тортилган кўриниш нуқтасини танлаб олиб, варағда чизматасвирни жойланиш ўлчамини аниқлаб олинади ва кейинчалик аниқланган чегаралардан чиқмаслик керак, агар сиз кейинчалик варағдаги чизматасвирни ўлчамлари ўзгартирсангиз у ҳолда онсонлик билан уни пропорциялари бузилади. Чизматасвирни композицион жойлаштиришда турли ҳолатлар ҳисобга олиш кўзда тутилади. Энг аввало композицион мутаносиблигига роя қилиш. Одам боши юз тарафида қисимлар кўпроқ жойлашганлиги эътиборни кўпроқ жалб

қилади, ушбу сабабга кўра чизматасвирда бошни орқа тарафига нисбатан, юз тарафи оғиқроқ кўринади ва варағ қирғоғига сурилгандей кўринади, ушбу холатдан йироқроқ бўлиш учун композицион жойлаштириш пайтида юз қиёфаси олдидан бошни орқа тарафига нисбатан кўпроқ жой қолдириши керак.

Варағни тепа қисмидан озроқ қолдириб, бошни тепа қисмини белгилаймиз ва одам бошини ҳажмини аниқлаб оламиз. Бунинг учун бош тепа қисмидан иягигача бўлган жойни одам бошидан сал кичикроқ қилиб ўлчаб пастки ияк қисмини қоғозга белгилаймиз. Тасаввур қиламиз одам боши думалоқ шарни ёки тухумни эслатади. Қалам билан умумлашган шаклни чизиб соя тарафига енгил тус берамиз. Одам боши шаклини тузилишида симетрия принципларига роя қилиб кузатамиз, тасаввуримиздаги ўрта чизикдан жуфт шаклларни жойланишига ўрта чизикни юрғазиб биз одам боши кўрнишини жойлашишини топамиз, горизантал чизикни кесиб чиқиб биз кўзни бошнинг қисмида жойлашган ерини кўрсатамиз, у яна одам боши бўйини энига нисбатан аниқлайди. Ўрта чизик чиқувчини доимий диққат эътиборида бўлиши керак. Чунки бизнинг кўриш нуқтамиздан иш жараёнида содир бўлувчи бевосита ҳаракатлар натижасида у доимо тасвирланувчи одам бошига нисбатан кўриш нуқтасини ўзгартиради. Ўрта чизик эгик шаклга эга, қўшимча ёрдамчи туташган горизантал чизикқа мўлжаллаб кўз косаси чуқурлигини ўлчамини белгилаб оламиз, сўнг бурунни олди ва ён биқинини аниқлаб чизиклар орқали белгилаймиз, оғиз ва иягини умумий шаклини келтирамиз. Кўз косаси чуқурлигидан ва бурунни тагидан икки горизантал чизик орқали кулоқни бўйини аниқлаб жойлашиш ерини топамиз.

Тахминий белгиларни қўйгандан кейин одам боши қисмини шаклларга бўлиб оламиз бунинг учун ёриқлик ва соя восита сифатини бажаради. Аввало одам боши қисмларини соя тарафига тус бериб ёриқлик тушган жойини ажратиб оламиз. Ушбу услубга кўра юзни олди ва ён тарафлари ажратиб олинади сўнг анатомия ва перспектива билимига суянган ҳолда одам боши айрим қисмларини аниқлаб оламиз. Бош тепа суяклари юқоридан пешона тепа қисмини ёпиб, пешона дўнги, қош усти ёйи ва чакка суяклари билан ниҳояланади. Биз биламизки кўз шар шаклини эслатиб туради. Шарсимон кўз соққаси кўз косаси чуқурлигида жойлашган ва юқори ва пастки қовоқлар билан боғланган. Кўз косаси айлана кўз мушаклари билан қуршаб олинган. Кўриниб турган кўз соққаси ярим шари шаффоф шоҳ парда билан беркитилган унинг орқа тарафида рангдор парда айланаси марказида кўз қорачиғи билан бирга кўзни тасвирлаганда нигоҳ боқиш тарафини кузатиб бориш зарур, кўз ўқи бир нуқтада кесиб чиқиши керак.

Кўзлар оралиғи ўртача бир кўзни хажмига тенг. Бурун олди устки тарафи ва икки ёнидан таркиб топган, ҳамда қўйи устки қисми бурун тешиги жойлашган ерида. Бошни пластик хусусияти ифодаланишида пастки жағ катта аҳамиятга эга, унинг шакли билан юзни овали аниқланади. Пастки жағни марказий қисми ўртаси эгик жуфт шаклда ва ўртада майдончаси билан таркиб топган. Пастки жағ суяги бўғин ўсимтаси воситасида чакка суягига қараб боради, то кулоқ супраси, ташкил эшитув йўли жойлашган еригача. Бошнинг хусусиятларини кўрсатиб бергандан сўнг уни катта шакларга ёруғлик ва сояларга бўлиб текшириш керак. Ёшланиш каналидан ёшланиш каналига қадар масофа бир кўз ҳажмига тенг келади. Ёшланиш каналларидан бурун пастки бурчаклари ва оғиз бурчакларига қадар бизлар нимани кўряпмиз, бурун жуфти қаноатлари оролиғи кўз ёшланиш жуфт оролиғидан кенг бурун қанотлари оролик масофаси оғиз бурчаклари оролиғига нисбатан кичик бу текширув юз пластик хусусиятини аниқлашга ёрдам беради.

Бундан кейин қисмларга ишлов беришга ўтамиз. Аста секин тус бериб шаклини чизамиз. Чизматасвирида кўз шаклидан, бурун шаклига ўтиб борамиз, сўнг лаб шаклини ишлаб ияк шакли ва бошқа қисмларга ўтиб бораверамиз. Шаклларга ишлов бериб майда қисмигача аниқ ишланганлигини текширилгандан кейин, чизматасвир қисмларини умумлаштириш жараёни бошланади. Эндиги масала иккинчи даражалилигини юмшатиб олиш, бундаги мақсад энг муҳимини аниқлаб чиқариб олиш умумлаштириб ва қисимларни бир бирига нисбатан тоби этиб яхлитликга эришиш, талаб одам боши ҳарактерини топиб ишини шу даражагача олиб бориладики чизматасвир яшай бошлайди.

Тугалланган чизматасвир нима?

Рассом табиатни нусхасини кўчирувчи эмас-бу фаол яратувчи. Табиатдан ишлашда, рассом нафақат кўчириб ишлаши, шаклни нусхасини кўчириш уни таҳлил қилиб шаклни объектив қонуниятларига асосланган ҳолда чуқур очиб бериши керак. Ижод асосида айнан аналитик ёндошиш ётибди. Қанча истедод ила чуқур уддалай олса рассом-студент шакл сир атворларига киришиб кетса ва қонуниятларига ўрганиб борса, янаям чуқур бўлади уни санъати ва янаям юқори бўлади уни яратган бадий образлари бу уни мавжудликга чиқарган ҳукми. Ўйламай кўчириб бориш ва нусха олиш-санъатда мутахасисликни эгаллашда жаҳолатли душмандир.

Ўқув чизматасвири максимал даражада шаклни тугалланиши кўзда тутилади ва бунда ҳам тугалланиш тушунчаси қисмлар еғиндиси, миқдори, сони билан эмас, балки тирик шаклни асосий қонуниятларини ўрганиб етиш яъни тугалланиши уни қай даражада ифода этаолганидир.

Тайёргарлиги бўш талаба жуда тез қисимларни ишлашга ўтади, сўнг зерика бошлайди. Шаклни объектив қонуниятларга асосланганлик асосий билим тушунчаси,- “Бевақт тугалланганлиги билан” алмашилади, ушбу ҳолат делетант тизмни биринчи аломати ҳисобланади. Талаба барча қисмларни тўлиқ чизиб бўлган то ажинларигача, бироқ энг катта хажмий яхлитлиги.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Дажина В.Д. “Микеланджело”. Рисунок в его творчестве. Методическое пособие. М.:Искусство, 1986 г. 216 с. ил. 1 экз.
2. Радлов Н.Э. «Рисование с натуры». Методическое пособие. Л., Художник. РСФСР.1978 г. 130 с. ил. 1 экз.
3. Могилевцев В.А. «Основы рисунка», Учебное пособие. СПб., «Artindex», 2007 г. 74 с. 1 экз.
4. Oripova M. “Gips shakllarining chizmatasviri”. Metodik qo‘llanma. Chashma print, T., 2011 y. 72 b. 5 nusxa.